Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил 9 сентябрь ЧОРШАНБА

№ 72 (12812)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# 24 БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!



## ЁШЛАР ТАЯНЧИМИЗ, ЭРТАНГИ КУНДАН УМИДИМИЗ

**Ёшларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари, бошқача айтганда, фарзандларимизга бор имкониятлардан фойдаланиб билим ва кўникмаларини ишга солишлари учун майдонни кенг очиб бериш истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юртимиз хавфсизлигини таъмин этишнинг асоси – мамлакатимиз ёшлари. Ёшлар бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчиларидир. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда фарзандларимизни деб, уларнинг бахт-саодати, иқболи деб яшаймиз ва меҳнат қиламиз.**

(Давоми 2-бетда).



## ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ ДАВОМ ЭТАЯПТИ

**Юқори Чирчиқ туманидаги "Саксон ота" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган тураржойларда давом этаётган уй тўйлари чинакам қўшалоқ байрамга айланиб, чексиз қулайликлари билан хонадон соҳибу соҳибаларига қувонч ва бахт улашмоқда. Ана шундай уйларнинг бирига кўчиб ўтган Хушвақт ота Исматовнинг хурсандчилигини ҳеч бир нарсага қиёслаб бўлмайди.**



– Кексайганингда роҳат кўришнинг гашти бошқача экан, – дейди ота мамнуният билан. – Мустақиллик туфайли замонавий, барча қулайликларга эга бундай тураржойларда умргузаронлик қилиш насиб этди. Бундан ортиқ бахт борми?! Шундай замонларга етказганига шукр.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Бўстонлиқ туманидаги "Қоранкул" қишлоқ врачлик пунктида "Соғлом турмуш тарзи – саломатлик гарови" мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

Президентимизнинг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оналик ва боликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилишини таъминлаш, экологик маданиятни тарғиб этиш, ҳомиладор аёлларнинг тиббий кўригини сифатли ўтказиш,

(Давоми 2-бетда).

## ТОШБУВИ МОМОНИНГ ИБРАТИ

**Оҳангарон туманидаги Хонобод қишлоғида Тошбуви момонинг ўрни алоҳида. Маҳалладошлари момонинг ҳаётини ибрат, сўзларини ҳикмат дейишади. Бу бежиз эмас.**

86 ёшни қаршилаган момо ҳаёти давомида нималарни кўрмади. Болалиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига, очарчилик-қаҳатчилик даврига тўғри келди. Ҳали вояга етмай, тенгдошлари қатори қўлига кетмон олди, отаси ва акаларининг ўрнини босиш учун тонгдан шом қоронғисигача далада меҳнат қилди. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам унга сабр-тоқат, қаноат, ҳалоллик ва тўғрилик шиор бўлди.

– Ўша кунларни эсласам, омон қолганимга шукр қиламан, – дейди момо. – Илоҳим, биз кўрган кунларни фарзандларимиз ҳеч қачон кўрмасин. Халқимизнинг шоду хуррамлиги – бугунги тинч ҳаётимиздан. Ёшларимиз эътиборда, қарияларимиз эъзозу ҳурматда. Раҳбарларимизга раҳмат, давраларнинг тўри бизники. Бир кун улар ҳолимиздан хабар олишса, эртасига шифокорларимиз соғлигимизни сўраб туришибди. Яна бир омонат гап. Биз, кексалар юртимизнинг тинчлигини, ободлигини кўриб, беҳад қувонамиз. Мустақиллигимизга, тинч ва осойишта ҳаётимизга кўз тегмасин, деб дуо қиламиз.



Тошбуви момо чинакам кексалик гаштини сурмоқда. Фарзандлари, неваралари унинг хизматида. У олти ўғил-қиз, ўн уч невара ва йигирма бир эваранинг момоси. Оила жам бўлса, уларга бугунги фараҳбахш кунларнинг қадрига етишни уқтиради.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

Маънавият

## КЕЛАЖАК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

**Бундан ўн йилча аввал Зангиота қишлоғига келган испаниялик сайёҳларни таржимон тўсатдан тарк этишга мажбур бўлди.**

Шунда ширкат хўжалиги котибаси мулоқотга киришди. Меҳмонлар инглиз тилида бемалол гапираётган қизнинг оддий котиба бўлиб ишлашидан ажабланишди. "Бизда шунақа, давлатимиз ёшлар хорижий тилларни ўрганишлари учун шароит яратиб қўйган, – деди хўжалик раҳбари ғурур билан. – Ҳатто котибалар ҳам бир неча тилни билишади. Билмаганларига ўзимиз ўргатамиз. Мен ҳам котибамни ишга олгандан кейин ўқитганман". Бу меҳмонларни бир ҳайратга солган бўлса, маҳаллалар ҳаёти билан таништира туриб "маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилганини айтганимизда, такрор ҳайратланишди ва: "Бизда ундай эмас" дейишаркан, ҳавасларини яширишолмади.

Ҳар бир миллатнинг ўз урф-одатлари, анъаналари, яшаш тарзи бор. Биз қадим-қадимдан бир маҳалла бўлиб яшашга одатланганмиз. Ҳар бир маҳалланинг етакчиси ҳам бўлган. Бироқ, бу бошқарув тор доирада иш юритарди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг маҳалла ҳаётида янги давр бошланиб, у фуқаролик жамияти институтларидан бирига айланди. Маҳалла фуқаролар йиғини миллий ўзликни англаш, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва юксак маънавияти ўсишига кўмаклашиш, уларни ўз қадр-қимматини билиш, мустақил фикрлаш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, келажагини ўз қўллари билан барпо этиш руҳида тарбиялашга муносиб улуш қўшадиган институт сифатида шаклланди.

(Давоми 2-бетда).

Мақолага муносабат

## «БИР ДАРЧАГА МУРОЖААТЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА»

Вилоят прокуратураси "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2015 йил 1 августдаги 61-сонида чоп этилган "Бир дарчага мурожаатлар ечим топмоқда" мақоласида қайд этилган ҳолатларни ўрганиб чиқди.

Хусусан, вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси ҳамда жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари қабулини ташкил этишнинг аҳволи тегишли давлат идоралари ва муассасалари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларида тизимли равишда текшириб борилмоқда.

Мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар давлат идоралари ва муассасаларида мурожаатларни кўриб чиқишга кўп ҳолларда масъулиятсизлик билан ёндошилаётгани, мурожаатларни умуман ёки белгиланган муддатларда кўриб чиқмаслик, ҳисоботларни чалкаштириб юритиш ва шу каби ижро интизоми бузиб келинаётганини кўрсатди.

Мурожаатларни кўриб чиқишда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўяётган мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи қатъий таъминланмоқда.

Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси органлари ўтказган назорат тадбирлари натижаларига кўра, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 62 та тақдимнома киритилди, 98 шахс интизомий, 44 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, шунингдек, жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан битта жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари мазкур йўналишда назорат фаолиятини давом эттирмоқда.

**Б. НУРМУҲАМЕДОВ, вилоят прокурори ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.**

## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИДА

**Даъвогар Э. Умирзоқов жавобгар С. Сайфуддиновага нисбатан уйнинг олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, 2011 йил 22 октябрда жавобгар С. Сайфуддиновага тегишли бўлган Ангрен шаҳар, Навоий кўчаси, 10-уй, 9-хонадонни 1.000.000 сўмга сотиб олгани, жавобгар ўша вақтда соғлиги ёмонлиги ва уйнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун маълумотномалар тўплай олмаслигини айтгани ва уйни бўшатиб, ҳужжатларининг аслини бериб, пулни олгани тўғрисида тилхат ёзиб бергани, шунингдек, жавобгарнинг турмуш ўртоғи Р. Эргашев ҳам уй сотилишига розилик билдириб, тилхат ёзиб бергани, жавобгар олди-сотди шартномани расмийлаштириш учун нотариал идорага боришдан бош тортаётганини баён қилиб, 9-хонадоннинг олди-сотди битимини ҳақиқий деб топишни сўраган.**

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

## ТОШЛОҚ СОҲИЛНИНГ «ЭГАЛАРИ» КИМ?

**Бўстонлиқ туманидаги Юсуфхона қишлоғи таърифини кўп эшитиб, бирор марта кўриш насиб қилмаган экан. Ғазалкентдан Юсуфхонага 15-20 дақиқа орасида кириб бордик. Бу ёғига 500 метр йўлни тўхтаб-тўхтаб, 10 дақиқада босиб ўтдик. Кираверишда кимдир шлагбаум қўйдирибди. 30 ёшлардаги йигит машинанинг ўриндиғига қараб, агар 4 кишилик бўлса 5 000 сўм, 6-7 ўринли бўлса 10 000 сўм, 11 кишидан ортиқ ўринли бўлса 20 000 сўм, ичидаги одамларнинг ҳар биридан 3 000 сўмдан пул олаётганининг гувоҳи бўлдик.**



Ҳамроҳларим ғазалкентлик бўлишса ҳам, кириб-чиқиш пулли бўлганини эшитишмаган экан. Шлагбаумчига айтган пулини узатиб, паттасини сўрасак:

– Братан, дам олишга келдиламми, дамилани олила, паттани чиқаётганда берамиз, – деди.

Маскан кимга, қайси хусусий корхонага қарашли эканини билдирувчи на пешлавҳа, на банер кўринмади. Қизиқ, бу жойнинг эгаси шлагбаум қўйдирибди-ю, касса аппарати қўйишни хаёлига ҳам келтирмабди... Касса аппарати бўлса, сўралган заҳоти чиптани берган бўларди...

Юсуфхона ҳақиқатан ҳам гўзал жой. Уни таърифлашга тил ҳам, қалам ҳам ожиз. Чотқол тоғларидаги оппоқ қор, ям-яшил ўрмонлар, кислородга бой ҳаво, Чорвоқ сув омборидан эсаётган салқин шабада кишига хуш ёқади, кучига куч, қувватига қувват қўшади. Сувда сузиб юрган аквобайк ва катамаранлар, кўп ўриндиқли катер ва моторли қайиқлар ҳар қандай одамни ўзига ром этади. Қирғоқда қип-яланғоч чопиб, қум ўйнаб ўтирган жажжи болажонларнинг, оиласи билан келган нуроний отахону мунис онахонларнинг қувончи чексиз.

(Давоми 4-бетда).

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ





эрта туғуруқларни бартараф этиш ва аёллар спортини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мулоқотда республика Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман ҳокимлиги, тумандаги

(Давоми. Боши 1-бетда).

барча соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари, ҚВП мудирлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда мазкур ҚВП мисолида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ҳамда "Саломатлик сектори" фаолияти намуна тарзда ўрганилди. Аниқланган айрим камчиликлар юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

– 7950 аҳолига хизмат кўрсатамиз, – дейди ҚВП мудираси Холида Орипова. – Аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, айниқса, уларнинг тиббий маданиятини янада юксалтиришда маҳалла фаоллари билан ҳамкорлигимиз яхши натижа бераяпти.

Дарҳақиқат, ҚВП фаолияти тизимли ташкил этилгани, яъни икки шифокор ва уларга бириктирилган 6 патронаж ҳамшира, ҳар бир ҳамшира билан 6 нафардан маҳалла фаолларининг ҳамжиҳатликда иш олиб бориши, ҳар бир шифокор, ҳамшира ва маҳалла фаолига аниқ вазифалар белгилаб берилгани 1200 га яқин оилани тўлиқ қамраб олиш маҳалла аҳолисининг тиббий билимини оширишда қўл келмоқда.

Шу куни мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи 35 ёшдан ошган аёллар иштирокида спорт мусобақаси ҳам бўлиб ўтди. 15-умумтаълим мактабида ўтган беллашувда уч жамоа олти шарт бўйича баҳслашишди. Мусобақа якунида ғолиб ва иштирокчилар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.**

Маънавият

# КЕЛАЖАК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Халқимизнинг "Маҳаллангоота-онанг", "Бир болага етти қўшни ота-она", "Маҳалла – тарбия ўчоғи" каби қатор мақоллари замирида ҳам чуқур маъно мужассам. Чунки яхши кунингда ҳам, ёмон кунингда ҳам биринчи навбатда маҳалла елкадош, қоқилсанг суяйди, йиқилсанг кўтариб қўяди, боланг ножўя қадам босаётганини сезса, тергайди. Хуллас, бирор кунинг маҳалла ҳаётидан айро ўтмайди. Маҳаллани мўъжаз Ватан, фуқаролар йиғинини эса унинг етакчиси деб бежиз атамаймиз. Худди шу етакчи оилалар тинчтотувлиги, фарзандларнинг қобил инсонлар бўлиб вояга етаётганига бош-қош. Бугунги кунда бола тарбияси фақат оиланинг эмас, балки фуқаролар йиғинининг ҳам асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди.

– Маҳалламизда 1728 аҳоли истиқомат қилади, – дейди Зангиота туманидаги Ойбек маҳалласи маслаҳатчиси Муҳайё Мусаева. – Ҳар бир оилани чуқур ўрганганмиз, аъзоларининг нима билан машғуллигидан тортиб болаларнинг "оёқ босиши"гача назоратимизда. Ота-оналар билан бирга ишлашимиз яхши натижа бераяпти. Мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб қилдик. Лицей ва коллежни битирганларни эса уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштирдик. Маҳалламизда бекор юрган ёшларни учратмайсиз. Ўқувчилар бўш вақтларида спорт ва бошқа турли тўгаракларга қатнаса, айримлари усталардан ҳунар ўрганмоқда.

Қизларимизнинг одобини айтмайсизми?! Мактабга махсус формада, бошига дўппи кийиб боришади. Ёшларимизнинг кийиниш маданияти миллийлигимизга хос. Бу бола тарбиясига оид кўп йиллик меҳнатларимиз самараси. Яна бир нарсани айтмоқчиманки, тарбияда: "Ўз маҳаллам бўлса бас, қолганлар билан нима ишим бор", десак қаттиқ янглишамиз. Бирор ўқувчи ножўя қадам ташласа ёки одобсизлик қилса, у қайси маҳаллада яшашидан қатъи назар, тартибга чақириш барчамизнинг бурчимиз. Шу ўринда бир воқеани келтирмоқчиман. Бир куни шаҳардан қишлоғимизга қатнайдиган автобусга чиқдим ва ўртароқдаги ўриндиққа чўкдим. Ногаҳон олдинги ўриндиқдаги катта ёшли эркак ва коллеж ўқувчисига кўзим тушди. Машина ҳар силкинганда қизнинг калта юбкаси юқорига сурилар, уни тиззалари устида турган сумкаси ҳам тўлиқ беркитолмасди. Ёнидаги эркакдан хижолат тортган қиз нима қиларини билмасди. Кейинги бекатда автобусга болали аёл чиқди. Қиз унга жой бериб вазиятдан қутулдим деб хомтама бўлганди. Энди унинг учун иккинчи ноқулайлик бошланди: қиз юқоридаги тутқични ушлаганида тор, калта кофтаси юқорига сурилиб, унинг бели очилиб қолди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Автобусдан йўловчилар бирин-кетин тушгач, қиз ёнимга келиб ўтирди. Уни гапга солдим. Қўшни қишлоқдан экан. Қизларнинг бундай кийиниши нотўғри эканлигини ётиғи билан тушунтирдим, тиббиётдан, келажакда келин, она бўлишидан гапирдим. Орадан бир неча кун ўтгач, ўша қизни яна учратдим. Рисоладагидек кийинганди. Кийимлари ўзига ярашиб турарди. Айтмоқчиманки, айрим ота-оналар фарзанд тарбиясида бу масалага эътибор беришмас ёки одатдаги ҳол деб ҳисоблашар. Лекин юксак маънавият сари йўл шу арзимас бўлиб кўринган нарсалардан бошланади.

Республика Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан маҳаллаларда ташкил этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар бугун одамларнинг энг яқин маслаҳатгўйига айланди. Улар ўз ҳудудларидаги ҳар бир хонадонга чуқур кириб бормоқдалар, бола тарбиясига ота-оналар билан баб-баравар қайғурмоқдалар. Маслаҳатчиларнинг иш услублари ҳам йил сайин такомиллашмоқда, аввал тегишли идоралар ва жамоат ташкилотлари, кўчабошилар билан ҳамкорликда фаолият юритган бўлсалар, эндиликда маҳалла хотин-қизларини жалб этиб, иш олиб боришмоқда. Маҳаллада ташкил этилган "Ораста қизлар" даврасидаги турли машғулотлар, қизларнинг бу ерда ўрганганларини бошқаларга ўргатаётганлиги катта ютуққа айланди. "Дугонажонлар" клуби аъзолари эса катта ёшдаги спортсевар онахонлардир. "Ота-оналар университети" мактаб билан ҳамкорлик самарадорлигига хизмат қилмоқда.

Орамизда изланувчан маслаҳатчилар кўп. Шулардан бири Зангиота туманидаги "Шодлик" маҳалласи маслаҳатчиси Мавлуда Абдураҳимовадир. У маҳаллада "Маслаҳат маркази"ни ташкил этди. Марказда ҳар ойда бир марта кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиб, унда маҳалланинг истаган фуқароси ўз муаммоси ҳақида мурожаат этиши мумкин. Муаммоларга шу ерда ечим изланади, эрта турмушнинг, жиноятчиликнинг олдини олиш, одоб-ахлоқ, соғлом турмуш тарзи каби кўплаб мавзуларда суҳбатлар ўтказилади.

Ҳозирги глобаллашув даврида фарзандларимизга тўғри йўл кўрсатиш, уларни соғлом фикрлашга ўргатиш, ёт ғоялар таъсиридан асраш, баркамол бўлиб вояга етишига кўмаклашишда ота-оналар билан бирга маҳалланинг ҳам катта ўрни бор. Соғлом оила барпо этиш ва соғлом фарзандлар дунёга келишини таъминлаш учун никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари, ҳомиладор оналарнинг шифокорлар назоратида бўлиши, бола туғилгач, унинг саломатлиги, мактабга боргач, хатти-ҳаракатини назорат қилиш, ўқишни тугатгач, ишга жойлашишига кўмаклашиш... Булар маҳалла фуқаролар йиғини олдида турган муҳим вазифаларнинг бир қисми холос. Улар мукаммал адо этилса, келажакда ўз мевасини беради.

**Нозима АРСЛОНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Жорий йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

# БИТИРУВЧИГА ҚУЛАЙЛИК

Коллеж ўқувчиларини банк фаолияти билан яқиндан таништириш, қулай шароит яратиш мақсадида бириктирилган ҳар бир коллежда "Банк хонаси" ташкил этилган бўлиб, улар компьютер, проэктор, принтер, стендлар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Мазкур "Банк хоналари"да тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда зарур бўладиган билимлар, банк томонидан таклиф этилаётган кредит турлари, уларни олиш тартиблари тўғрисида тушунчалар бериш, ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида ҳар ҳафтада масъул филиаллар тажрибали ходимлари томонидан семинарлар ўтказиб борилмоқда.

Коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш йўлида банк томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун ажратилаётган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2015 йилнинг 7 ойида 9 млрд. сўм кредит ажратилди. Шунингдек, жорий йил бошидан буён 56 нафар битирувчи банкка ишга қабул қилинди.

**"Туркистон-пресс".**

# ЁШЛАР ТАЯНЧИМИЗ, ЭРТАНГИ КУНДАН УМИДИМИЗ

Шу мақсадда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида" ва "Таълим тўғрисида"ги Қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларимизга замонавий андозалар асосида таълим-тарбия бериш, уларнинг иқтидор ва истеъдодини юзага чиқаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Бўка ҳамда Оҳангарон туманларида ўтказилган "Нима қилдик Ватан учун?" ёхуд "Биз, ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз!" шиори остидаги ёшлар фестивалида бу алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестиваль доирасидаги кўргазмаларда ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандлик, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида эришган ютуқлари намойиш этилди.

– Ҳар қандай давлат ўз истиқболини соғлом ва бар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

камол авлод тимсолида кўради. Шу боис, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини ёшлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, – дейди вилоят



маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Хуршид Тошпўлатов. – Мазкур фестиваль ҳам истеъдодли ёшларни юксак ижодий парвозлар сари йўналтиришга хизмат қилади.

Маълумотларга кўра, вилоятимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизи ёшлар. Уларнинг аксарияти илм-фан, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда юксак натижаларни қайд этаётир. Ангренлик Отабек Бакиров шундай иқболи баланд ёшлардан. Айни пайтда шаҳардаги 27-умумтаълим мактабининг саккизинчи синфида ўқиётган Отабек Ўзбекистон экологик ҳаракати ўтказган "Онажоним табиат" республика иншолар ва расмлар кўрик-танловида ғолиб бўлди.

– Биз, ёшларнинг ўқиб-ўрганишимиз, ўз устимизда бетиним ишлашимиз, истеъдод ва салоҳиятимизни юзага чиқаришимиз учун яратилган кенг имкониятлар туфайли шундай бетимсол натижаларга эришаяпмиз, – дейди у. – Бу бизнинг кучимизга куч қўшаяпти, ғайрат-шижоатимизни ошираяпти. Бундай фестиваллар эса биз ёшларни бирлаштирмоқда.

"Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" эзгу ғояси остида "Ижодим сен учун бахшида, Ватан!" деб номланган маданий-маърифий тадбир, "Ёш иқтидорлар" кўргазмаси, "Ниҳол" мукофоти ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, таниқли ижодкорлар, спортчилар иштирокидаги учрашувлар ёшларда ёрқин таассурот қолдирди.

Вилоят "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандалари ва эл суйган санъаткорларнинг мустақиллик, тинчлик, Ватан ва ёшликни тараннум этувчи куй-қўшиқлари тадбирга байрамона кайфият бағишлади.



Фестивалда вилоят ҳокими ўринбосари А. Абдуқодиров иштирок этди.

**Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ, Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.**

# ЭНДИ ЯНГИ МАКТАБДА

**Қуйи Чирчиқ туманидаги бир қатор таълим муассасаларида болажонлар 2015-2016 ўқув йилини замонавий янги биноларда бошладилар.**

Республика Президентининг "Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан тузилган жамғарма маблағлари ҳисобидан бу йил тумандаги 30- ва 24-умумтаълим мактаблари капитал таъмирланди. 26-умумтаълим мактабининг янги биноси қурилиши якунланди.

– Бу – биз, ўқитувчи ва ўқувчилар, умуман, бутун маҳалла аҳли учун Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан ўзига хос совға бўлди, – дейди мактаб директори Қаҳрамон Абдувалиев. – Илк бор мактаб остонасига қадам қўйган ўғил-қизлар ўқишни янги синфхоналарда бошладилар ва улар ҳамиша давлатимизнинг доимий эътиборида эканларини ҳис қилиб улғаядилар.

**Юлдуз ИСАЕВА.**

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИДА

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг 2013 йил 26 августдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Э. Умирзоқовнинг даъво талаблари рад қилиниб, Ангрен шаҳар ҳокимлигининг жавобгарлар С. Сайфуддинова ва Э. Умирзоқовага нисбатан эгалик ҳуқуқини бекор қилиш ҳақидаги қарши даъво талаби қаноатлантирилган. Жавобгар С. Сайфуддинованинг низоли 9-хонадонга мулк ҳуқуқи 2006 йилдан бекор қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, ушбу иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун шу инстанция судига юбориш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 15-моддасида суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмай, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли. Суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки оширмасликнинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида ёрдам кўрсатиши лозим деб кўрсатилгани бўлсада, суд, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона таъминлаш чораларини кўрмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, С. Сайфуддинова 1999 йил 20 апрелдаги нотариал олди-сотди шартнома-

(Давоми. Боши 1-бетда).

си асосида ўзига тегишли 9-хонадонда яшаб келиб, 2006 йил 2 июлда коммунал қарзлари ҳисобига давлат фойдасига ўтказилишига розилик билдириб, Ангрен шаҳридаги "Мустақиллик" ширкати раиси номига ариза топширган. Ангрен шаҳар ҳокимлиги эса қонун талабларига амал қилмаган ва ўз балансига олинмаган ушбу низоли хонадонни давлат тураржой фондига қарашли деб ҳисоблаб, 2009 йил 10 июнда чиқарган 203-к сонли қарори билан У. Мирзалиевга хусусийлаштирмаслик шарти билан вақтинча фойдаланишга берган (и.в 55).

Ҳокимнинг қарорига асосан 2009 йил 16 июнда У. Мирзалиевга 30 кунлик муддатга 260-рақамли тураржой учун рухсатнома берилган ва бу рухсатнома 2009 йил 25 августгача узайтирилган. Лекин, бундан кейинги даврга қайд этилган рухсатнома узайтирилмаган ва ўз кучини йўқотган (и.в. 34).

Хусусан, Ангрен шаҳар ҳокимининг 2013 йил 8 февралдаги хатида жавобгар У. Мирзалиев ҳам шу пайтга қадар низоли хонадонга рўйхатга турмаган, уйни таъмирламаган ва коммунал тўловларни тўламаганини кўрсатган (и.в. 48-49).

Ўзбекистон Республикаси ОКнинг 24-моддасига кўра, эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлгани исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин деб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 218-моддасига кўра, улушли мулкдаги мол-мулк унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан тасарруф этилади деб белгиланган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, С. Сайфуддинова (Эргашева) 1994 йил 25 августда Рисбой Эргашев билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурган. Биргаликдаги турмуш даврида 9-хонадонни 1997 йилда сотиб олишган ва бу уй уларнинг умумий мулки ҳисобланган. Эр-хотиннинг уч фарзанди бор. Улар оилавий келишмовчилик туфайли 2008 йил 23 февралда суд тартибида ажрашишган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 164-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи муддатсиздир деб қайд этилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган "Эгасиз тураржойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига қаратиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-бандига кўра, тураржойнинг мулкдори бўлмаса ёки унинг кимлиги номаълум бўлса, у эгасиз деб топилади деб кўрсатилган.

Суд 9-хонадонни амалдаги Оила ва Фуқаролик кодекслари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабларига риоя қилган ҳолда эгасиз мулк деб топиш ёки ҳадя, васиятнома асосида қабул қилиб олиш қоидаларига риоя қилмай, унинг мулкдорларидан бири Рисбой Эргашевнинг розилигини олмай ҳамда тегишли мониторинг ўтказмай, С. Эргашева (Сайфуддинова)нинг ширкат номига ёзилган аризасини етарли деб ҳисоблаб, ўз балансига олинмаган хонадонни вақтинча Э. Умирзоқовга ажратганига эътибор бермай, Ангрен ҳокимлигининг судга фақат С. Эргашева (Сайфуддинова)га нисбатан унинг хонадонга эгалик ҳуқуқини тугатиш тўғрисидаги қарши даъво талабини қаноатлантириб, барвақт қарор қабул қилган.

Суд, 2013 йил 5 майда вафот этган Рисбой Эргашевни хонадонга бўлган ҳуқуқи юзасидан меросхўрларини жалб қилиш чораларини кўрмаган ва улар доирасини аниқламаган. Фуқаролик ишида бундай чоралар кўрилганини исботловчи ҳужжатлар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 317-моддасига асосан, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг ажрим ёки қарорда баён қилинган кўрсатмалари мазкур ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир деб белгиланган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг 2012 йил 20 сентябрдаги ажримида (и.в. 41-43) иш юзасидан барча манфаатдор шахсларни тегишлича жалб қилиш тўғрисида кўрсатмалар берилган. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 132-моддасига асосан, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар судга чақирув қоғозлари, зарур ҳолларда эса, телефонограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали чақириладилар ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинадилар деб белгиланган бўлсада, суд юқорида қайд этилган вилоят суди кассация инстанциясининг кўрсатмаларига амал қилмаган. Суд жавобгар Дилбар Мирзалиевани суд мажлисларига чақирмаган, иш ҳужжатларига унинг бу тўғрисида хабардор қилингани, яъни у суд чақирув қоғозини олгани ҳақида хабарномалар мавжуд эмас. Шу каби ҳолатлар, кейинчалик вафот этган Р. Эргашев ва унинг меросхўрларига доир ҳолатларга ҳам тааллуқлидир.

Шунингдек, биринчи инстанция суди Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 15-моддасига риоя қилмай, даъвогар Э. Умирзоқовга Ангрен шаҳар ҳокимлиги жавобгар У. Мирзалиев номига хонадонга берган вақтинчалик тураржой ордери юзасидан низолашгани ҳолда, ушбу рухсатнома ҳокимнинг 2009 йил 10 июнда чиқарган 203-сонли қарори билан ажратилганига, ушбу қарор тарафлар ўртасида низолашилмай қолганига, Э. Умирзоқов низоли уй олди-сотди муносабатлари бўйича манфаатдор шахс ҳисобланиши ва у ҳоким қарорига нисбатан қўшимча даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкинлигини, ушбу талаб низони ҳар томонлама ва тўлиқ кўриб чиқилиши учун асос бўлишини инобатга олмай, даъвогарга бу ҳақдаги ҳуқуқларини тушунтирмай, унинг уй олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, ордерни бекор қилиш (суд кўрсатганидек ҳақиқий эмас деб топиш эмас), жавобгарларни уй-жойдан кўчириш, коммунал тўловларни ундириш ва жавобгарларга мажбурият юклаш ҳақидаги даъво талабларини рад этиш тўғрисида ҳам барвақт хулосаларга келган.

Қайд этиш керакки, судлар фуқаролик иши ҳужжатларини рўйхатга олиш қоидалари ҳам бузилишига йўл қўйишган. Фуқаролик иши дастлаб 43-варағига қадар рақамланган бўлиб, ундан кейинги иш ҳужжатлари яна бошқатдан тартиб рақам билан давом эттирилган. Шунга асосан, протестда илова қилинаётган баъзи суд ҳужжатларининг жойлашувида бир хил иш варақлари учраши мумкинлигига эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 314-моддаси 2-қисми 2 ва 8-бандларига кўра, иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан ҳеч бирининг йўқлигида кўрилган бўлса, ишда суд мажлиси баённомаси мавжуд бўлмаса ёки у имзоланмаган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор мажбурий тартибда бекор қилинади деб кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан, вилоят прокурори 2015 йил 14 апрелда асоссиз суд қарорини бекор қилиш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига кассация протести келтирилган.

Мазкур кассация протести вилоят суди томонидан 2015 йил 20 майда қаноатлантирилиб, суд қарори бекор қилиниб, ишни янгитдан кўриб чиқиш учун биринчи босқич судига юборилган.

**Яҳё АБДУРАҲМОНОВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**

Нишондорларимиз



# ЧИНАКАМ ЖАСОРАТ ЭГАСИ

**Газетамизнинг янги сонини қўлга оларканман, аввало, муҳтарам Юртбошимиз Фармонига мувофиқ тақдирланганлар рўйхатига кўзим тушди: Абдусамад Розиқулов – "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими", Фарида Иброҳимова – "Эл-юрт ҳурмати" ордени, Тоир Турдиев – "Фидокорона хизматлари учун" ордени, Анвар Миржалолов – "Меҳнат шуҳрати" ордени, Ўскенбой Атемов – "Дўстлик" ордени, Анорбой Бердиалиев – "Шуҳрат" медали, Шокир Мирзабоев – "Жасорат" медали...**

Рўйхатни узоқ давом эттиролмадим, жасоратли Шокир Мирзабоев билан суҳбатлашиш учун Паркентга бориш фикри туғилди.

...Шокир ака уйидан икки-уч чақирим наридаги устахонасида ишлаётган экан. Бизни кўриб, мақсадимизни билиб, суюндими, йўқми, билмадигу, ҳар қалай: "Уйга ўтаверинглар, мен ҳозир бораман" деди.

...Ярим соатлардан кейин: "Юриш сал-пал қийин-да, узр энди" деди Шокир ака уйга кираркан.

Гапни нимадан бошлашни билмай, мукофот билан табриклагач, суҳбатимиз қизиди.

– Бу мен учун кутилмаган воқеа, – деди Шокир ака ҳаяжонланиб. – Лекин туғилган куними ажойиб совға бўлди-да.

Гап ўзи, оиласи, ёшлик даврига тақалганда, бироз сукут сақлаб деди:

– Ростини айтсам, ёшлигимни кўпам эслашни истамайман. Тушунасиз-ку, хотиралар... яхши-ёмон бўлиши мумкин. Шуни айтишим мумкинки, бугунги кунимдан шодман. Бошимда дуогўй отаонам бор. Меҳрибон жигарларим, садоқатли рафиқам, ўғил-қизим соғомон. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонларимиз тўкин.

Фикру хаёлим фарзандлар камоли билан банд. Ўғлим Мурoджон тиш шифокори бўлмоқчи. Уни албатта ўқитаман. Бунинг учун мамлакатимизда шарт-шароит етарли. Қизим Зулфияхон эса онаси каби ўқитувчи бўлишни орзу қилади. Ундан яхши устоз чиқади, биламан. 16 ёшимда раҳматли устозим Шавкат акага шогирд бўлиб, пойабзал тикиш-таъмирлашни ўргандим. Бошида бироз қийналдим. Аммо, инсон соғлом фикрласа, фақат эзгуликлар ҳақида ўйласа ва шунга интилса, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтар экан.

Президентимиз: "Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасоратдир, деб жавоб берсак, янглишмаган бўламиз" деган эдилар...

Шокир ака ҳақ. Одамнинг етти мучаси соғ бўлиши мумкин. Бироқ, унинг маънавияти носоғлом бўлса, у тубанликка юз тутади. Маънавияти юксак одамлар эса яхшиликка интилиб, ўзи ва ўзгаларга меҳр улашиб, кўпчилик мушкулини осон қилиб, эл-юрт, Ватан учун ибратли ишлар қилиб яшайверадилар. Бунда уларга ҳатто жисмоний заифлик ҳам тўсқинлик қилолмайди.

Бинобарин, орамизда Шокир ака Мирзабоев каби маънавий жасорат эгалари бор экан, инсонлар қалбида эзгу ҳис-туйғу, муқаддас ва улуғ ниятлар япроқ ёзаверади.

Аслида бу шафқатсиз ҳаёт ҳамма вақт ҳам Шокир акани аягани йўқ. Аммо, у қалб яраларини фарзандлари, яқинлари меҳр-муҳаббати билан даволади. Тинч, осуда ҳаётига шукр қилиб, эртанги кунига ишониб яшайверди.

Шокир аканинг ўзига ишончи юз-кўзларида намоён. Унинг аниқ мақсадлар йўлидаги азму шижоати чинакам жасорат аслида. Этикдўзлик касбини пухта ўзлаштириб, аҳолига хизмат кўрсатиб келаётгани ва кўплаб шогирдлар тайёрлаётгани муносиб баҳосини топди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Партиялар ҳаёти

# «ОИЛАВИЙ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИ»

**ЎзМТДП бошланғич партия ташкилотлари раислари билан вилоят миқёсида фикр алмашиб олишга эҳтиёж анчадан бери бор эди. Сабаби, марказий, ҳудудий, маҳаллий кенгашлар ҳамда энг қуйи поғона – бошланғич ташкилотлар билан боғлиқликда узилишлар кузатилаётганди. Уни бартараф этиш, бошланғич ташкилот ҳақиқий маънода бош таянч бўлишини таъминлаш мақсадида ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони август-сентябрь ойларида барча ҳудудий ташкилотларда "Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтариш. Муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзуида семинар-тренинглар ташкил этишни режалаштирди.**

Вилоят кенгаши Маънавият ва маърифат марказида ўтказган семинарда Кенгаш Ижроия қўмитаси девони ходимлари, шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари раислари ҳамда фаоллари қатнашдилар. Тадбир илк бор ўтказилишига қарамай, жонли ва танқидий руҳда ўтди.

Семинар-тренингни ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси М. Назаров очди.

Кенгаш ижроия қўмитаси девони раҳбари Ш. Насимов "ЎзМТДП тизимидаги бошланғич партия ташкилотларининг иш фаолиятини янги босқичга кўтариш. Муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари", девон бош мутахассиси К. Сайдуллаева "Бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини таъминлашда ҳудудий партия ташкилотларининг ўрни" мавзуларида маъруза қилдилар.

Маърузаларда таъкидланганидек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб, партия тарафдорлари кўпайиб бораётир. Келгусида аъзолар сафини янада кенгайтириб, сиёсий фаол, мамлакат ички ва ташқи сиёсати, миллий мафкурамиз, айниқса, партиямизнинг мақсад ва вазифалари, эзгу ғоялари янада кенг кўламда тарғиб қилинади.

Музокараларда бошланғич партия ташкилотлари ишини ташкиллаштириш, раҳбарларнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий савиясини ошириш, методик ёрдам бериш, бошланғич ташкилотларнинг ички ва ташқи вазифалари, яъни сиёсий реклама, ахборот, тарғибот, коммуникатив, ташкилотчилик ва сафарбарлик каби вазифаларни амалга оширишда ҳамкорлик, партия юқори органлари билан доимий алоқада бўлиш, маҳаллий ташкилотларга ҳисоботлар бериб бориш каби масалаларга эътибор қаратилди. Шу билан бирга қуйи бўғинлар ваколати доирасидаги вазифалар бекаму кўст бажарилмаётгани, партия ғояларини тарғиб қилиш, тадбирлар ташкил этиш, жойларда аҳолини қизиқтираётган масалаларни ҳал қилишга кўмаклашиш борасида ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлиги таъкидланди.

ЎзМТДП Оққўрғон туман кенгаши раиси ўринбосари, "Нуроний" жамоат фонди туман бўлими раҳбари, туман футбол федерацияси раиси ўринбосари Нурмуҳаммад Нодиров жумладан шундай деди: "Ким эдигу ким бўлдик" деган саволга биз тенгилар батафсил жавоб бера олишади. Сабаби, мустабид тузум, бегона мафкура ва ўзга қадриятлар эъзозланишини кўрганмиз. Фарзандларимиз эса, кенг ва ёруғ мактабларда, замонавий ва муҳташам таълим масканларида илм олишмоқда. Барча талабларга жавоб берадиган спорт иншоотларида шуғулланишмоқда. Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, маънавий қадрият, урф-одат ва анъаналарни, бой тарихий меросни сақлаш ва бойитиш имкониятига эгалар".

"Бугун бизга партия қуйи бўғинлари Устав бўйича икки хил йўл билан тузилиши мумкинлиги ҳақида изоҳ берилди, яъни касбий ишлаб чиқариш ва ҳудудий, – деди Ангрен шаҳар молия бўлими бошланғич ташкилоти раиси Насиба Азизметова. – Мен учинчи, яъни оилавий йўлни таклиф қилмоқчиман. Масалан, ўзим, турмуш ўртоғим ва икки фарзандимиз "Миллий тикланиш" партияси аъзоларимиз. Энди қолганлари вояга етишини кутаяпмиз. Ўзбек оилалари камида 3-4 кишидан иборат, бошланғич ташкилот тузиш учун эса 3 киши кифоя. Юқоридаги икки усулда касби ёки ҳудудини ўзгартирган аъзо кўпинча йўқолиб қолади. Оилавийда эса бундай бўлмайди".

**Аброр ИМОМХЎЖАЕВ,**
**ЎзМТДП вилоят кенгаши ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси.**

**XXI аср ахборот асри, дейилаётгани бежиз эмас. Бугун дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан салмоқли сонияларда хабар топиш мумкин. Бунда ахборот коммуникацион технологияларнинг ўрни ва роли беқиёс.**

# ВЕБ-САЙТЛАР ТАҲЛИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида ўтган семинар шу масалаларга бағишланди.

– Ривожланган мамлакатларда онлайн журналистикаси тараққиётининг сабаби шундаки, улар ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланадилар, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербоев. – Ўз навбатида, бу тезкорликни таъминлаш билан бирга иш унумдорлигини кескин оширади.

Семинар доирасида босма оммавий ахборот воситаларининг веб-сайтлари таҳлил қилинди, муаммо ва камчиликлар қайд этилди. Шунингдек, ҳудудий нашрлар ўртасида тезкор ва сифатли ахборот алмашиш тизимини яратиш ҳақида фикр билдирилди.

Сўз олганлар "Босма ва вертуал нашрнинг ўзига хос томонлари: ютуқ ва камчиликлари", "Анъанавий ва интернет журналистика: ўхшашлик ва тафовутлар", "Сиёсий модернизация жараёнида замонавий ахборот коммуникация технологияларининг аҳамияти" каби мавзуларда сўз юритдилар.

**Илмира МАҚСУДОВА.**

Олов – тилсиз ёв

# БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК!

**Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида саноат корхоналари, мактаб, боғча ва маҳаллаларда режали текширувлар ўтказмоқда. Фуқаролар билан учрашув ва суҳбатлар уюштириб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари тушунтирилмоқда.**

Бироқ, доимий огоҳлантириш ва узлуксиз тушунтиришларга қарамай, ёнғинлар ҳамон рўй бермоқда. Хусусан, шу йилнинг 7 ойи давомида 877 та ёнғин содир бўлди. Уларнинг 520 таси фуқароларнинг тураржойларида юз берди. Айниқса, Олмалиқ шаҳри, Оққўрғон, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл туманларида юз берган ёнғинлар одамлар ҳаётига зомин бўлди, 41 фуқаро турли даражада тан жароҳати олди. Ёнғинлар етказган моддий зарар 2 миллиард 216 миллион 786 минг сўмдан ошди.

Ёнғинларнинг 115 таси печь ва газ қурилмалари, 201 таси электр мосламалари носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидалари бузилиши, 403 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 95 таси болаларнинг олов билан ўйнаши ҳамда 63 таси бошқа сабаблар оқибатида содир бўлди. Кўриниб турибдики, ёнғин фуқароларнинг лоқайдлиги, бепарволиги, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслиги ва болаларни назоратсиз қолдириш натижасида юз бермоқда.

11 июль куни Зангиота туманидаги "Қашқарлик" маҳалласида иккита хонадонда ёнғин чиқди. 135-уйда яшовчи А. Эшонқуловнинг болалари олов ўйнаши натижасида уй томи, шифти, жиҳозлари ёниб кетди. Олов қўшни Д. Расулмуҳамедованинг уйига ўтиб, у ҳам катта мулкий зарар кўрган.

15 июль куни Ғазалкент шаҳри, Раимқулов кўчаси, 29-уйда яшовчи Р. Аҳмедовнинг молхонасида содир бўлган ёнғинга очиқ оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш сабаб бўлди.

Ўрта Чирчиқ тумани, Дўстлик қишлоғи, "Эвалак" маҳалласида яшовчи М. Абдиев, Бўстонлиқ тумани, "Яккатут" маҳалласида яшовчи Т. Миржалиловнинг уйларида содир бўлган ёнғинлар ҳам эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиққан.

Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб топган бор мол-мулкингиз бир неча сонияда кўкка совурилиб, фожиа қурбони бўлмай десангиз, олов билан ўйнашманг, хавфсизлик қоидаларига амал қилинг.

**Шуҳрат ЭСОНОВ,**
**вилоят ИИБ ёнғинларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи.**

## ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги байрами муносабати билан "Аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш" мавзусида**

# ДАВЛАТ ГРАНТИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:**

1. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, танловларни, энг аввало, ёшлар орасида амалга ошириш.

2. Ҳудудий ОАВда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, тамойиллари ва мақсадларини очиб бериш, Бош қонун меъёрлари ҳақида билимлар тарғиботига қаратилган махсус теле ва радиодастурлар, нашрлар, мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиш.

3. Барча давлат органлари, масъул шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантиришга қаратилган материалларни ҳудудий ОАВда тайёрлаш ва чоп этиш.

4. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд ҳуқуқий механизмлари ҳақида хабардорлигини ошириш, уларда амалдаги қонунчилик доирасида ўз ҳуқуқларини талаб қилиш кўникмалари, билими ва тайёрлигини шакллантиришга қаратилган мавзуга доир теле ва радиодастурлар, мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиш.

5. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича ҳудудий ОАВ томонидан ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

6. Жамиятда ҳуқуқий онг, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича мамлакатда олиб борилаётган амалий ишларни ОАВда кенг ёритиш.

7. Республикада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва жамоат муҳокамаси, ушбу ишда экспертлар, олимлар, мутахассис-амалиётчилар, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг иштироки бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

8. 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишларни амалга оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш.

9. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида қабул қилинган қонунларнинг мазмуни ва моҳияти ҳақида кенг ахборот-тушунтириш ишларини давом эттириш.

10. Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий билимларни тарғибот қилиш бўйича ишларни амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 29 августдан 6 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, "Бунёдкор" шоҳкўчаси, 1-уйда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази "Парламентаризм билимдони" онлайн танловини эълон қилади**

Танловнинг мақсади – ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, улар ўртасида Конституция ғоялари ва бошқа қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга кўмаклашиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва тафаккури, шунингдек, уларнинг сиёсий маданиятини оширишга ҳисса қўшишдан иборат. Танлов 13 турдан иборат бўлиб, жорий йилнинг 8 сентябридан 8 декабригача давом этади. Танловда 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этишлари мумкин.

**Қўшимча маълумотларни www.pb2015.uz сайти ва (+99898) 809-22-69, 241-00-50 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин. "Камолот" – сенинг ҳаракатинг!**

## 20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

**"Respublika mulk markazi" АЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлари, автомототранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга таклиф этади. Телефонлар: (0371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz**

**"Respublika mulk markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Тошкент вилояти Прокуратурасининг 02.09.2015 йилдаги 27-138-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, Ц-мавзеси манзилида сақланаётган "Нексия" русумли, давлат рақами 01/654 PDA бўлган, 2005 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 20 657 525 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 25 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 23 сентябрь куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 25 сентябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2015 йил 6 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади, такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 2 октябрь куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юкланади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак Йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

Гувоҳнома № 001580.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги байрами муносабати билан "Ўзбекистон халқларининг маданий-тарихий меросини, мамлакатимизда мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютуқларни оммалаштириш бўйича фуқаролик жамияти институтларининг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзуида**

# ДАВЛАТ ГРАНТИ АЖРАТИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловга давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:**

– Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати, машҳур шахслар, республикада жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ютуқлар тўғрисида чет тилларидаги маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғининг махсус қомусий манбаларида жойлаштириш;

– Ўзбекистон маданияти, санъати ва адабиёти, мамлакатимиздаги мавжуд тарихий ва меъморий ёдгорликлар, ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси объектларининг ёрқин намуналари тўғрисидаги маълумотларни хорижий аудиторияда тарғиб этиш;

– Ўзбекистон халқларининг бой тарихий-маданий меросини акс эттирувчи ноёб экспонатлар мавжуд бўлган мамлакат музейлари тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғи орқали тарқатиш;

– Ўзбекистон халқларининг номоддий маданий мероси (халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлар, фестиваллар, миллий таомлар ва бошқалар)ни хорижий аудиторияда оммалаштириш;

– туризмнинг тарихий-илмий, экологик, фаол, гастрономик ва бошқа турларини хорижий аудиторияда оммалаштириш орқали Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва маданий-тарихий жозибадорлигини ошириш;

– Интернет тармоғида Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бағишланган чет тилларида махсус манбаларни ташкил этиш;

– хорижий аудиторияда Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданиятини оммалаштиришга, мамлакатнинг тарихий-маданий меросига, табиатининг гўзаллиги ва хилма-хиллигига қизиқиш уйғотишга қаратилган фототанловлар ташкил этиш ва ўтказиш;

– жамиятда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини сақлаш ва ривожлантириш бўйича мамлакатда изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш;

– Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатининг муҳим жиҳатларини, олиб борилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижаларини акс эттирувчи холис ва ишончли маълумотларни инглиз ва бошқа чет тилларида тарқатиш мақсадида Интернет тармоғида махсус сайтларни ишлаб чиқиш ва яратиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

– ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

– ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан), манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 29 августдан 6 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035. Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уйда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Зангиота тумани Қизғалдоқ ҚФЙ, "Бунёдкор" МФЙ қошида ташкил этилган "UMID" ёшлар фольклор студияси жамоаси тўгарак раҳбари, истеъдодли санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

**Санобар КАРИМОВА**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Китоб жавонингизга

# ЭНГ ЯХШИ СЎЗ

**Яхшилик... Бу хосиятли сўз замирида дунёни дунё қилган улуғ инсоний фазилатлар ётиши сир эмас. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Эркин Ғуломовнинг янги нашрдан чиққан "Икки олам устуни" китобида таъкидланганидек, инсонга икки дунё саодатини бахш этувчи омил яхшиликдир. Аслида муаллифнинг "Эзгулик – ҳаёт гултожи", "Маҳалла – қадрият ва анъаналар бешиги", "Ўзликни англаш", "Покиза дил", "Меҳр қолур – оқибат қолур", "Ҳаёт зийнати", "Юзларида зиё – дилларида дуо" номли китоблари ҳам яхшилик ва эзгуликни тарғиб этади. Мазкур рисола ушбу мавзуни янада чуқурроқ, кенгроқ ёритиш иштиёқи билан дунёга келган дейиш мумкин.**



– Сизлар билан ҳамсуҳбат бўлиш, диллашиш менга ҳаловат бағишлайди, юртимизнинг эъзози, мухлисларимнинг эътибори умримга умр қўшмоқда, – дейди у. – Бу ҳам яхшиликнинг шарофатидандир.

Алалхусус, китоб сўзбошисида Юртбошимизнинг "...Бу дунёда ҳеч бир нарса изсиз кетмайди. Яхшилик қилган одамга албатта яхшилик қайтади. Ўзига қайтмаса, болаларига, набираларига қайтади. Муқаддас китобларимизда айтилганидек, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир" деган сўзларининг келтирилиши бежиз эмас.

– Ер юзида ундан яхши сўз, ундан яхши иш йўқ, – дейди муаллиф.

Зеро ҳар ишнинг индаллоси яхши деган сўздан, ибтидоси яхши ишдан бошланса, унинг охири бахайр, интиҳоси ҳам эзгулик билан якун топади. "Икки олам устуни" китоби яхшилик каломидан бошланиб, яхшилик, мамнуният, хурсандчилик билан якун топган. "Эзгуликнинг қайнар булоғи (яхшилик), "Яхшиликка ундаш", "Устоз яхши – шогирд яхши", "Яхшилик мулоқотда камол топади", "Яхши халққа яхши раҳбар", "Яхшининг сўзи ҳам, ўзи ҳам яхши", "Саодатга бошлаган эзгуликлар" каби сарлавҳалар остидаги фикр-мулоҳазалар муаллифнинг 80 йилдан ортиқ умр йўлларида кўрган, кузатган ҳаёт ҳақиқатлари, яхшилик мукофоти-ю ва аксинча, ёмонликнинг асоратлари ҳақида.

Умр нарвонининг саксон иккинчи поғонасидан ошганда: "Умримни қандай ўтказдим, нималар қилдим-у, нималарга улгурмадим? Умрбоқийликка арзигулик яхши ишлар қилолдимми? Ота-она, устоз, дўсту биродар ва қариндош-уруғларнинг яхшиликларини қандай қадрладим? Ёмонларгаю ёмонликларга бефарқ, бепарво бўлмадимми?" дея ўз ҳаёти, фаолияти, қилган барча амалларини сарҳисоб қилган муаллиф ўз мулоҳазалари билан китобхонларни суҳбатга, мунозарага чорлайди. Ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашгиси, ёмонликлардан огоҳ бўлиб, яхшиликка эш бўлиб яшаш кераклигини айтгиси келади. Зеро, айтишга арзигулик умр йўли, ундаги бисёр яхши-ёмон дамларнинг роҳату фароғати, азоб уқубати ҳақидаги ҳикоялар китобхонни бефарқ қолдирмайди. Алҳол, кексалар билганни ҳар томонлама етук, билимдон ёшлар ҳам билмаслиги бор гап. Буларни билиш учун эса ё кексалик ёшига етиш, ё уларни тинглай олиш зарур. Китобдаги кўпгина ибратли воқеалар қаторида ёмонликни касб қилган нокасларнинг қилмишлари ҳам келтириладики, улардан сабоқ олиш, ҳар қадамда зийрак, огоҳ бўлиш кераклигини ҳис этади киши. "Яхши тузар, ёмон бузар" сарлавҳаси остида берилган Муроджон ва Турсунали воқеаси "одамнинг оласи ичида" деган халқ ҳикматини эслатиб туради.

Хуллас, яхши ният, холис фикр-мулоҳазалар "Кексаларни эъзозлаш йили" дея номланиб, халқимизнинг беқиёс, бетакрор инсоний фазиларини яна бир бор намойиш этаётган хосиятли йилдан миннатдорлик, истиқлолга шукроналик, фахр-ифтихор туйғулари лиммо-лим "Икки олам устуни" ҳар қандай китобсевар кишига маънавий озиқ бериши, яхшиликка ёндашиб, ёмонликдан йироқ бўлишга ундаши аниқ. Қолаверса, яхши амаллари, фидойилиги билан Ватан, эл-юрт хизматида бўлган олижаноб одамларнинг ибрати, баркамолликка йўлловчи аждодларимиз ўгитлари қалбингизга ёруғлик, шуурингизга тиниқлик бағишлаши шубҳасиз.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## XXI аср ва дунё



### ПОРАХЎРЛИКДА ГУМОН ҚИЛИНДИ

**Руминия пойтахти ҳокими Сорин Опреску пора олганликда гумон қилиниб, масалага аниқлик киритиш мақсадида ҳибсга олингани ҳақида хабар тарқатди BBC News нашри.**

Бухарест шаҳри ҳокими лавозимини иккинчи муддат бўйича эгаллаб турган Опреску шаҳар бюджетидан бериладиган шартномани ютиб олган компаниялардан пора олганликда айбланмоқда. Прокурорларнинг таъкидлашига қараганда, ҳоким ҳар бир шундай битим қийматининг 10 фоизини пора сифатида олиб келган.

Нашрнинг таъкидлашига кўра, ҳозирча Опреску 24 соат муддатга ҳибсга олинган. Бироқ, прокуратура тергов давом этадиган даврда ушбу қамоқ муддатини икки ойга узайтиришни суддан сўраши мумкин.

Руминия бош вазири Виктор Понта ҳам шу йил июль ойида коррупция, қаллоблик, солиқларни тўлашдан бош тортиш ва давлат маблағларини ўзлаштиришда айбланган эди. Бироқ, шунга қарамай у депутатларнинг чақириғига ҳам қулоқ солмай, лавозимини тарк этишдан қатъий бош тортиб келмоқда.

### ҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛАЯПТИ

**CBC телеканали тарқатган хабарда таъкидланишича, Канаданинг Британия Колумбияси вилоятидаги Ванкувер ороли соҳилларида мамлакатнинг балиқ овловчи кемаси чўкиб кетди.**

Телеканалнинг маълумотига кўра, кема жамоасидан уч киши ҳалок бўлган, фақат бир аъзоси омон қолган. Кема эгаси бўлган балиқчилик компанияси фалокат ҳақида сигнал тарқатгач, қутқарувчилар ишга тушди. Кема чўккан жойга етиб келиб, улар экипаж аъзоларидан икки кишининг жасадини топишди, бир аъзони эса қутқаришди. Кейинчалик, қидирув ишларига вертолётлар ҳам жалб этилгач, учинчи кишининг жасади топилди.

Омон қолган экипаж аъзоси айни пайтда шифохонада муолажа қабул қилаяпти. Унинг аҳволи ҳақида маълумот берилмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кема ҳалокати сирларини ўрганмоқда.

### ЕВРОКОМИССИЯ ТАКЛИФИ РАД ЭТИЛДИ

**Сентябрь ойининг биринчи ҳафтасида тўрт мамлакат – Венгрия, Польша, Словакия ва Чехия бош вазирларининг Прага шаҳрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари саммити Европадаги қочоқлар масаласига оид таназзулга бағишланди.**

Саммитнинг якуний баёнотида бош вазирлар еврокомиссиянинг қочоқларни Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда мажбурий улуш асосида жойлаштириш, шунингдек, Шенген зонаси ташқи чегараларда қўриқлашни сўзсиз кучайтириш таклифига қарши чиқдилар.

Кейинги пайтларда Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги вазият беқарорлашиб бораётгани сабабли Европа давлатларига тинимсиз оқиб келаётган қочоқлар кўпайиб бораяпти. БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича бошқармасидаги маълумотларга қараганда, йил бошидан буён 264,5 минг мажбурий қочоқлар Ўрта Ер денгизидан сузиб ўтдилар. Қочоқларнинг асосий қисми Европа Иттифоқи аъзолари мамлакатлари орасида Германияни маъқул кўрмоқдалар. Маълумотларга қараганда, шу йилнинг охиригача Германия Федератив Республикаси маъмуриятидан камида 800 минг қочоқ бошпана сўраши кутилмоқда.

### АВТОМОБИЛЬ ПОЙГАСИ ҚУРБОНЛАРИ

**Испаниянинг Галисия минтақаси шимоли-ғарбида ташкил этилган ралли пойгалари давомида фалокат юз бериб, олти киши ҳаётдан кўз юмди ва бир неча томошабин жароҳат олди.**

Guardian газетасининг Испания полицияси матбуот хизмати маълумотларига таяниб ёзишича, пойгада қатнашаётган ҳайдовчилардан бири катта тезликда келиб, трассадан чиқиб кетди ва томошабинлар тўдасига келиб урилди. Тўрт аёл, жумладан, бир ҳомиладор аёл ва яна икки эркак ҳалок бўлди. Ўнга яқин киши жароҳат олди. Пойгачининг ўзи ва унинг штурмани зарар кўришмади. Бироқ, маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган ушбу хабарни полиция вакиллари тасдиқлашолмади.

"Бу – чинакам фожиа, – деди Испания бош вазири Мариано Рахой. – Ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ва самимий таъзия изҳор этаман ҳамда ярадор бўлганларнинг тезроқ соғайиб, тўлақонли ҳаётга қайтишларини Яратгандан тилайман".

### САЙЛОВДА МОРАЛЕС ЕТАКЧИ

**ТАСС тарқатган хабарда маълум қилинишича, собиқ комик актёр Жимми Моралес Гватемалада ўтказилган президент сайловларида етакчилик қилмоқда.**

Бюллетенларнинг бир қисми кўздан кечирилгандан сўнг Мораленинг 27,89 фоиз овоз билан етакчилик қилаётгани маълум бўлди. 20,93 фоиз овоз олган ҳуқуқшунос, тадбиркор ва Гватемаланинг йирик мухолифатчи "Янгиланган демократик озодлик" партияси етакчиси Монуэл Балдисон иккинчи ўрин, шунингдек, мамлакатнинг биринчи собиқ хоними Сандра Торрес 17 фоиз овоз олиб, учинчи ўринни банд этди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Кўргазма

## ЭКСПОЗИЦИЯДА САРА АСАРЛАР

**Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясидаги тасвирий санъатнинг турли жанр ва йўналишларидаги сара асарлардан ташкил топган кўргазма Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги айёмига бағишланди. Бир неча залларни эгаллаган асарлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.**

Экспозициядан Миллий банк тўплами учун харид қилинган расмлардан ташқари рассомларнинг ўзлари ушбу тўпламга ҳадя тариқасида тақдим этган 140 га яқин сара асарлар ўрин олган.

Кўргазмадаги турли даврларга мансуб асарларда мамлакатимиз табиатининг бир-бирини тўлдирган гўзал манзаралари, заминимиз неъматлари, портретлар, миллий қадриятларимизни эслатувчи аҳоли истиқомат жойларининг ўтмишдаги кўринишлари, тарихий шаҳарларимизнинг мемориал ёдгорликлари акс этган. Улар орасида "Тоғ қишлоғи", "Ўзга дунёлар", "Қоплон ва қиз", "Ҳожикент", "Ҳожикент манзараси", "Катта Чимён", "Сижжак гулдастаси", "Кумушконда куз", "Олтин Сўқоқ" каби асарлар томошабинларни бефарқ қолдирмайди.

Кўргазмадан илк бор ихлосмандлар эътиборига ҳавола этилаётган асарлар ҳам ўрин олган. Бу ерга келган тасвирий санъат шайдолари XX ва XXI аср бошларида ўзбек тасвирий санъати тараққиёти даражасини кузатиш имкониятига эга бўладилар.

Кўргазма 26 сентябргача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Кўзгудаги ўзимиз

## ЙЎҚЛОВ КЕЛСИН, МЕҲМОН КЕЛМАСИН!



Бувиси тўй кўриб қолсин деб Рухшона билан Абдуворислнинг тўйини тезлатишди. Аммо "пишиб турган" Рисолат кампирга уларнинг тўйларини кўриш насиб этмади, васиятга кўра тўй ҳам қолдирилмади.

Рухшона дастлабки кунлар янги келинчакларга хос пардоз-андоз қилиб, ясаниб юришга қайнонасидан истиҳола қилди. Рисолат буви ёшини яшаб, ошини ошаган бўлса ҳам қайнонасининг онаси. Онадан айрилган одамга осон тутиб бўладими, ахир?! Лекин...

Қайнонаси: "Ясаниб, гулгул очилиб юринг. Дўст-душманларим Муяссар яккаю ягона ўғлига мужилган ошиқдай қизни келин қилибди, демасин, кулгига қолмайлик", деди. Рухшона қайнонасининг айтганини қилди. Орадан кўп ўтмай, қайнонасининг тўй-ҳашамлардан қолмаётганини кўриб: "Бир йил аза тутиб ўтирган билан ўлган одам қайтиб келармиди?! Балки қайнонам тўғри қилаётгандирлар", деб ўйлади. Бироқ, ҳадемай, ўзининг ҳам туғилган куни яқинлашаётганини ўйлаб, уйдагилари совға-салом олиб келишса, қайнонамнинг дили ранжиб қолмасмикан, деган андишага борди. Онаси ҳам у ўйлагандай: "Қизим, қайнона бувингларни яқинда тупроққа қўйиб, туғилган кунингни байрам қилсак уят бўлади. Насиб этса, келаси йили қилармиз", дейишига ҳам кўнди. Аммо кутилмаганда қайнонаси ундан туғилган кунига нима олиб келишмоқчи эканини тусмоллаб сўради.

...Қуда қизининг туғилган кунига қимматбаҳо гилам олиб келди-ю, қайнонанинг чеҳраси очилди. Чунки Муяссар опа ҳафта ўтмай, қизининг туғилган кунига келинига келган совғани олиб боришни кўнглига тугиб қўйган эди-да.

Рухшонага навбатдаги йўқлов – ҳайит тоғоралари келиши кераклиги ҳақида уқтирилди. Қиз шу ҳақда онасига айтганда, ҳали тўйнинг қарзидан қутулмаганлари учун бу талаб ўринсиздек, бироз малол келаётгани сезилди. Аммо қиз томон бу ҳақда овоз чиқариб айтолмайди, куёв томоннинг талаби муҳокама қилинмайди.

Қизимизнинг тили қисиқ, боши эгик бўлмасин деб онаизор яна қариндош-уруғлардан ёрдам сўради. Тоғораларни қизиникига жўнатар куни, она минг истиҳола билан Рухшонага қўнғироқ қилди:

– Қизим, ўзингдан қолар гап йўқ. Ҳайит йўқлови учун хола-аммаларинг, келинойиларингдан ёрдам сўрадим. Энди улар сизларникига "ҳайитчой"га боришмоқчи, йўқ дея олмадим. Дастурхон безашинг учун ҳамма нарсани юбораяпман...

Онанинг гапи оғзида қолди. Рухшона йиғламоқдан бери бўлиб: "Ойижон, холаларимга айтинг, келишмасин. Қайнонам ҳайит учун юборадиган тоғораларингизни бувижоннинг маъракаларига ишлатарканлар", деди.

Ушбу воқеани Рухшонанинг (исми ўзгартирилган) онасидан қандай эшитган бўлсам, шундайлигича, баён этдим. Зеро, бу кўзгудаги аксимиз. Аёл ўзларига ўхшаган ўртаҳол оила билан қуда бўлишганини айтди. Бироқ, қудаларнинг талаби борган сари кўпаяётгани, буни ёлғиз ўғлини уйлантирганларнинг "оддийгина орзу-ҳаваси"га йўйилаётгани қиз томоннинг нафсониятини топтаяпти. Шунингдек, бундай ноўрин ва асоссиз талаблар охири қандай оқибатларга олиб келиши уларни баттар ташвишга солаяпти.

**Аллома АЗИЗОВА.**


ЭЪЛОНЛАР

**"NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани СИБ томонидан: 1. 26.07.2013й. № 2-889-сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и.ч. "Opel Vectura" русумли д.р. X 737 ALN. Бошланғич баҳоси - 6 547 700 сум 01 тийин. 2. 14.05.2015й. № 1-201-сонли ижро ҳужжатига асосан 1998 й. и.ч. "Damas" русумли д.р. 10 O 908 EA. Бошланғич баҳоси - 10 663 330 сўм 86 тийин.

Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан: 23.06.2015 й. № 14342-43/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. "ГБФ СПГ ДАМАС" русумли, д.р. 10 121 LA. Бошланғич баҳоси - 20 739 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 13 октябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "New Trans Alliance" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (+99897) 325-07-13.

Гувоҳнома: 004593.


Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

## ТОШЛОҚ СОҲИЛНИНГ «ЭГАЛАРИ» КИМ?




(Давоми. Боши 1-бетда).

...Тўсатдан бошланган болалар йиғиси-ю, аёллар фарёди ширин кайфиятимизни бузди. Ҳамма ёқда қий-чув. Чап соҳилнинг сўл тарафи сўкиниш, қарғишларга тўлиб кетди. 2-3 киши муштлашиб, ниманидир талашарди. Нарироқда яна бир одамни тепкилашаётганини кўрганлар, улардан қочар, кимдир боласини, қизалоқлар дадасини бақириб чақирар, кимдир эрига ёпишиб олиб, қўрқувдан йиғлар, отахону онахонлар ҳам дағ-дағ титрашар, афтидан келганларига минг пушаймон бўлаётган эдилар. Хайриятки, жанжал 10-15 дақиқадан сўнг тугади. Бу воқеадан кейин атрофдаги манзара, одамларнинг юриш-туриши ўзгарди.

5 000 дан 20 000 сўмгача пул тўлаган ҳайдовчиларнинг машиналари учун ҳеч қандай шароит яратилмаган, машинани қаерга қўйишни ҳам билмайдилар. Ҳаммаёқ очиқ, соя жой анқонинг уруғи. Соҳил бўйига қум умуман тўкилмаган, соябон пулли. Ҳамёни кенглар каравотда, ақчани тежовчилар тошлоқда ўтирибди. Ана сизга ҳордиғу, мана сизга роҳат.

Илгари Юсуфхонада пулли хизматлар умуман йўқ эди. Дам олувчиларнинг: "Пулини олгандан кейин, шароит қилиб қўйсин-да! Фақат ҳавони сотишлари қолди, холос", деган эътирозларини эшитдик.

Вояга етмаган болаларнинг оғзида сигарет, бир қўлида даста-даста пул, иккинчи қўлида спиртли ичимлик сотиб юрганларини кўриб, юрагимиз увушди. Сўрида бўйнига кумуш занжир осиб олган ишбилармон йигит икки аёл қуршовида бугунги тушумни ҳисоблаб ўтирибди. Нархлар билан қизиқаётган бўлсангиз мана, танишинг:

битта қозон-ўчоқ бир кунга 15 000 сўм (ўтинни ўзингиз топасиз);

битта қора соябон 3 000 сўм;

кичкина катамаран бир кунга 20 000 сўм;

катта катамаран 40 000 сўм;

кўп ўринли катер бир киши учун 10 000 сўм;

аквобайк, моторли қайиқ одамига қараб экан, нархларига тушунмадик;

6 кишилик каравот бир кунга 60 000 сўм, овқати билан 160 000 сўм;

тўрт томони тахта ҳожатхонага кириб-чиқиш 500 сўм.

Бу даргоҳда исталган нарсангни муҳайё қиладиганлар ҳозиру нозир. Фақат пул бўлса, бас.

Энди ўз-ўзидан саволлар туғилади: Юсуфхонадаги бу "курорт хизматлари" нархини ким ёки қайси ташкилот, нимага асосан белгилаган? Бир кунлик тушумни ҳисоблаб кўринг-а? Бу ердаги ишбилармон ва тадбиркорлар даромаддан солиқ тўлашаяптими? Тўланмаётган бўлса, бунга ким жавоб беради? Нима учун тартиб ўрнатувчилар, солиқчилар кўринмайди? Тушаётган пул нега инкассация қилинмайди?

Бу гаплар фақат чап соҳилга тегишли. Ўнг соҳилда тушум қандай экан? Бундай соҳиллар туманда қанча? Агар Юсуфхона каби "курорт"ларда "тирикчилик" қилаётганлар тадбиркор сифатида расман рўйхатдан ўтказилса, тушаётган пуллар инкассация қилинса, олинаётган даромаддан солиқ тўланса, давлат бюджетига қанча нақд пул тушишини биров ҳисоб-китоб қилиб кўрганмикин? Дам олувчиларга хизмат кўрсатиш учун ишга қабул қилинадиганлар туфайли кўпаядиган иш ўринларичи?

Ғазалкентлик ҳамроҳларим бу саволларга жавобан елка қисиб қўя қолишди. Туманнинг мутасадди раҳбарлари нима дейишаркин? Саволларимизга жўяли жавоб оламиз деган умиддамиз...

**Даврон АҲМАД.**

СУРАТЛАРДА: "эгали" соҳил манзаралари.






ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Нозима АРСЛОНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3858. Адади 8089. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30.